



## **METHODOLOGY FOR IMPROVING STUDENTS' UNDERSTANDING OF ECOLOGY BASED ON CREATIVE APPROACH IN TEACHING NATURAL SCIENCES IN PRIMARY GRADES**

Khushbok Norbutaev

Associate Professor of Termiz State Pedagogical Institute,  
Doctor of Pedagogical Sciences (DSc)

Surayya Eshboeva

Teacher of the Department of Primary Education of Termiz State University

### **Annotation:**


In this article, the creative approach to the formation of concepts related to ecology among elementary school students is improved, the scope of the content of the scientific-methodical process of teaching is expanded, and the integration of ecological views in the context of the development of independent and creative thinking skills, skills and competencies of students through the study of knowledge. improvement of the creative approach to the formation of students' understanding of ecology in teaching is recognized as an urgent problem of today.

**Keywords:** love of nature, society, human, natural science, ecology, thinking, concepts, skill, skill, competence, training, environment, interdisciplinary, problem, concept, culture, primary grades, approach, student, aesthetic sense, improvement, demonstration, creative, formation.

### **Аннотация:**

Мазкур мақолада бошланғич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни шакллантиришда креатив ёндашувни такомиллаштириш, ўқитишнинг илмий-методик жараён мазмуни кўламини кенгайтириш ва билимларни ўрганиш орқали ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникма, малака ва компетенцияларини ривожлантириш заминида экологик қарашларни мужассамлаштириш, шу аснода бошланғич синфларда табиий фанларни ўқитишда ўқувчиларда экологияга оид тушунчаларни шакллантиришда креатив ёндашувни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб муаммоси сифатида эътироф этилган.

**Калит сўзлар:** табиатни севиш, жамият, инсон, табиий фанлар, экология, тафаккур, тушунчалар, кўникма, малака, компетенция, машғулот, атроф-муҳит, фанлараро алоқадорлик, муаммо, тушунча, маданият, бошланғич синфлар, ёндашув, ўқувчи, эстетик ҳиссиёт, такомиллаштириш, кўрғазмалилик, креатив, шакллантириш.




Бугунги кунда, экологик тарбия, экологик тафаккур, экологик маданият масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бошланғич синфларда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда экологик таълим-тарбия мунтазам такомиллаштирилмоқда. Яъни дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларни табиат қўйнига, табиат музейларига саёҳатга олиб чиқиш, суҳбатлар, эрталиклар ўтказиш жараёнида экологик таълим-тарбия элементларининг шакллантирилиши фикримизни асослайди. Қолаверса, экологик таълим-тарбия бериш мақсадида янги авлод дарсликларидан креатив мазмундаги экологик билимларнинг ўрин олиши бу, албатта ўқувчиларнинг экологик билим савиясини ошишига хизмат қилади [6].

Таъкидлаш жоизки, бошланғич синф ўқувчиларига “Табиий фанлар”ни ўқиш жараёнида асосий экологик тушунчаларга эга бўлиб, улар табиатни севишга, ўсимликларни ардоқлашга, ҳайвонларни парвариш қилишга ўрганадилар. Шунингдек, дарс жараёнида ўқувчиларда экологияга оид тушунчаларни шакллантириш ўқитувчи ҳикояси ҳамда дарсликларда ўз ифодасини топган мавзулар орқали тушунтирилиб борилади.

Умуман, ўқувчиларга экологик таълим-тарбия беришга доир мавзулар “Табиий фанлар” дарсларига киритилган. Шунга қўшимча тарзда айтиш жоизки, бу дарсликларда эса экологик креативликни сингдирувчи мавзулар ва топшириқлар киритилса, ҳамда миллий маросимларимиздан фойдаланиб ўқувчилар онгига етказилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда миллий маросимларда акс этган (ҳикоя, ривоят, топишмоқ, ҳадисларда, ҳикматларда мақоллар) экологик таълим-тарбияга оид тушунчалар келтирилса, ўқувчиларнинг билим савияси янада юқори бўлади [3].

“Табиий фанлар” ўқувчиларнинг тафаккур, куч ва қобилиятларининг ўсишига, кўрганларини кузата билиш ва таҳлил қилишларига, тўғри, мантиқий асосланган хулоса ва яқунлар яшашларига ҳар томонлама ёрдам бериши билан бир қаторда дарсларда ўқувчилар умумтаълим муносабатида бир қанча қимматли кўникма, малака ва компетенцияларни турли манбалардан (атроф-муҳит, тажриба, китоб, турли кўрсатмалар) билим ола билишни, баъзи энг оддий асбоблар (компас, термометр, флюгур,...) дан фойдалана билишни, баъзи макет, муляж, гербарийларни тайёрлашни, ўз кузатишларини ёзма ва оғзаки қайд қила билиш ҳамда умумлаштириши лозим бўлади [9].

“Табиий фанлар” атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги бошланғич билим ва кўникмаларни ҳосил қилишга ёрдам беради дея бежизга айтилмади. Чунки бу дарсларда ўқувчиларда табиатни ўрганиш, ундан тўғри фойдаланиш, уни ўзгартириш ва кўриқлаш каби тушунчаларни ҳосил қилиш керак. Ўқувчиларда мустақил кузатишлар олиб бориш, ихтиёрий диққат эътибор ва иштиёқнинг ўсиши учун биринчидан, уларни табиатдаги гўзалликни кўра билишга ўргатиш, иккинчидан, кузатишлар учун маълум мақсадларни қўйиш, кузатишлар олиб




бориш режасини белгилаш ҳамда ўтказилган ишнинг у ёки бу ўқув вазифасини хал қилишдаги аҳамиятини онгига етказиш лозим [7].

Бошланғич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни шакллантиришда креатив ёндашувни тадбиқ этишнинг ҳар бир босқичида табиий-илмий билимларни жадал ўргатишга хизмат қиладиган замонавий таълим технологияларини танлаш ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Креатив ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларига табиий-илмий билимларни такомиллаштиришнинг аниқ шакллари танлаш талаб этилади [1].

Бундай шакллар сирасига дарснинг анъанавий ва ноанъанавий турлари, синфдан ташқари таълим-тарбия жараёнларини киритиш мумкин. Шу билан бир қаторда, турли байрамлар: “Меҳржон”, “Зираворлар фестивали”, “Асал байрами”, “Қушлар байрами”, “Қушлар қанотли дўстларимиз”, “Гуллар байрами” каби тадбирлар ҳам ўқувчиларнинг табиат ва уни асрашга оид ижодий (креативлик) билим ва амалий тажрибаларини бойитишга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, ушбу тадбирлар ўқувчиларда меҳнатсеварлик, табиатни эъзозлаш, экологияни асраб-авайлаш, табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш ва уларни қадрлаш, уларнинг инсон саломатлигини сақлашдаги аҳамиятини англашга оид билимларини бойитади.

Бошланғич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни шакллантиришда креатив ёндашувга асосланган ҳолда, ўқувчиларга табиий билимларни ўргатиш мақсадида дастур мавзулари билан боғлиқ ҳолда алоҳида ўқув материаллари, савол-топшириқлар, иллюстрациялар, аудио-видео, мультимедиа воситаларини ҳам танлашлари лозим. Ўқувчиларнинг фанга оид компетенцияларини мустаҳкамлаш мақсадида ўқитувчилар дарсликларга қўшимча тарзда алоҳида машқлар тизимини ҳам танлаб ўқув жараёнига тадбиқ этишлари керак. Бунда ўқув топшириқларининг сермаҳсуллиги, атроф-муҳитдаги воқелик билан алоқадорлиги, кўргазмалилиги, ёрқинлигию ранг-баранглиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яна бир муҳим томони, бошланғич синф ўқувчиларига тақдим этилган табиий-илмий билимларнинг самарадорлигини аниқлашдан иборат бўлади.

Бунда ўзлаштирилган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни назорат қилиш, аниқлаш ва шаклланганлик даражасини баҳолашдан иборат бўлган педагогик фаолият амалга оширилади [5]. Бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий билимларни ўрганиш асосида ҳосил бўлган таянч ва фанга оид компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш ва ташхислашда тест топшириқлари ҳамда амалий машқлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бинобарин, ўқитувчи дарсга тайёрланар экан, аввало, унинг мақсадларини белгилайди.



Дарс мақсадларига мувофиқ дарс мавзуси, мазмуни, шакл, метод ва воситаларини аниқ тасвирлайди. Шунингдек, дарс сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида дарсликда киритилмаган ўқув материаллари, дарс мазмунига мувофиқ келувчи шеър, бадиий парчалар, халқ мақоллари, маталлари, топишмоқлари ва ўқувчиларда қизиқиш, жонланиш, ҳис-ҳаяжон уйғотувчи бошқа қизиқарли маълумотларни киритиш лозим бўлади [4].

Табиат ҳодисаларини кузатиш учун она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида ҳам оғзаки ва ёзма нутқни ўстириш учун бой ҳамда қизикарли маълумотлар берилади. Шунингдек, ўқувчилар нафақат она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида эмас, балки унга оид синфдан ташқари машғулотларда ҳам танишадиган бадиий асарларда келтирилган табиат ҳодисалари билан узвий боғланиши керак [2].

Ўқувчиларнинг “Табиий фанлар” бўйича кузатиш ва амалий ишлари математика дарслари билан ҳам боғлиқ. Унда ернинг шакли ва унинг сутка ҳамда йиллик айланиши билан танишиш ўқувчиларга кун ва туннинг, йил фаслларининг алмашинув қонуниятлари ҳақида ўз ёшларига мувофиқ дастлабки тушунчаларни бериш билан бир қаторда, уларга Ватанимиз табиатининг хилма-хиллиги, табиат компонентларининг жанубдан шимолга маълум изчилликда тақсимланиш сабабларини тушунтиришларига имкон беради[14].

Ўқувчилар маҳаллий ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг баъзи турлари билан табиатда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхонасига қилинган саёҳатларда ўқув тажриба боғида танишадилар. Мазкур жараёнда мавзу бўйича дарсда табиатнинг инсон ҳаёти учун аҳамияти таъкидлаб ўтилади, кишилар меҳнати билан табиий шароитлар ўртасидаги ўзаро алоқа очиб берилади. Ўқувчилар саёҳатлар, тажриба ва кузатишлар жараёнидан олган таассуротларидан табиий фанлар, она тили ва ўқиш саводхонлиги, математика, технология, тасвирий санъат ва мусиқа дарсларида фойдаланадилар.


Шундай қилиб, бошланғич синфларда экологияга оид тушунчаларни креатив ёндашув асосида такомиллаштиришни фанлараро алоқадорлик мазмунида ҳам амалга ошириш ўқувчиларда атроф-муҳит ҳақидаги маълумотларни яхшироқ эгаллашга ёрдам беради.

Бундан ташқари бошланғич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни шакллантиришда креативлик фаолиятини такомиллаштиришда тарбия дарсларининг ҳам ўрни бекиёсдир. Шуни ҳисобга олиб тарбия дарсликларидан экологик таълим-тарбия берувчи мавзулар қисман бўлса-да, ўз аксини топган[15].

Таъкидлаш ўринлики, болалик даври инсон ҳаётининг илк беташвиш босқичи ҳисобланади. Болалар атроф-муҳит ва унда рўй бераётган ҳодисаларни англашга ҳиссий ёндашадилар.

<https://ejedl.academiascience.org>

**Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning is a scholarly peer reviewed international Journal**



Бунинг натижасида уларда, аста-секин ҳодисалар моҳиятини ифодаловчи шахсий қараш, сифат ва мустақил муносабат шаклланиб, уларнинг руҳиятида сақланиб қолади.

Табиатнинг кучли тарбиявий салоҳиятини ҳисобга олиб, оилавий ҳамкорликда табиат қўйнига саёҳат уюштириш ўз навбатида ўқувчиларнинг кузатувчанлигини, ўраб турган табиий муҳитдан эстетик завқланишини, ҳамдардлик туйғусини, табиат қўйнида ўзларини қандай тутиш қоидалари ва одобини шакллантиришга, уларнинг соғлом, маънавий ва интеллектуал ривожланишига ёрдам беради [8].


Ушбу жараёнда ота-онасининг атроф-муҳитга хатти - ҳаракати болада қандай муносабат уйғотади? Ахлат ва чиқиндиларни дуч келган ерларга тўқиш, уни ёндириш, айниқса кузги хазонрезги даврда хазонларни ёқиб ҳавони булғайдиган нохуш ҳолатларга беихтиёр кўзимиз тушади[16]. Энг ачинарлиси, биз баъзан бу жараёнга болаларни ҳам тортмоқдамиз, шу каби ишларни уларга буюриб охир-оқибатда уларни бундай салбий ҳаракатларнинг бевосита иштирокчисига ҳам айлантирамиз. Ўз навбатида эса болалар катталар ҳаракатидан, муносабатидан ўрناق оладилар.

Ўқувчиларнинг атроф-муҳитга бўлган ножўя муносабатига ота-оналар муносабат билдиришлари ва бунинг салбий оқибатини тушунтириб, табиий муҳит тозалиги, ҳавонинг мусаффолиги, авваламбор, бизнинг саломатлигимиз, ҳаётимиз барқарорлигини таъминлашини астойдил уқтиришлари лозим. “Тоza муҳит бу соғлом ҳаёт муҳити” қоидасини оиланинг турмуш тарзи ва дунёқараши, кундалик зарурияти амалий кўникмаси ва ҳаётий эҳтиёжига айлантириш зарур[17].

Болада соғлом турмуш тарзининг илк қоидаларини шакллантиришда ота-оналар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, унинг тозалигини сақлаш, сув, ҳаво ва тупроқни ифлослантirmаслик, улардан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳар биримизнинг қонуний ҳам инсоний бурчимиз эканлигини ҳаётий мисолларга таяниб астойдил уқтиришлари лозим.

Бошланғич синфларда ўқувчилар жонли ва жонсиз табиат тўғрисида дастлабки билимларга эга бўлиш билан бир қаторда уларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялшга, шахс ва табиат мустақил қадрият эканлигига, инсоннинг табиатдаги аҳамияти ва ўрнини уларнинг онгига сингдиришга, сув, тупроқ ва ҳавони тоza сақлаш, атроф-муҳитнинг гўзаллигини англашга қаратилган бошланғич фазилатлар шакллантирилади[18].

Бошланғич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни креатив ёндашув асосида такомиллаштиришда доимий равишда табиий фанлар, она тили ва ўқиш саводхонлиги математика, технология ва тарбия фанларини ўқитиш




орқали ўқувчиларга атроф-муҳит, ўсимлик, ҳайвонлар ҳақида маълумот берилади ҳамда тозалик ва озодаликка риоя қилиш табиатдаги барча нарсаларни асраб-авайлаш сингдирилиб борилади [10].

Ўқувчиларга дарс жараёнида экологик таълим-тарбия бериш уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатидан камолотига катта таъсир кўрсатади. Бу дарсларда экологик таълим-тарбия беришда ўқитувчилар оғзаки кўргазмалилик, изланувчанлик, суҳбат ва замонавий таълим технологияларига асосланган методлардан кенг фойдаланилади.

Шунингдек, ўқувчи билимининг самарали бўлиши учун ҳамда маълум натижаларга эришишда ўқитишнинг узвийлиги таъминланиши зарур. Ўқувчининг мактабда дарс жараёнида олаётган таълим-тарбияси уларнинг шахс сифатидаги инсоний камолотида муҳим ўрин эгаллайди. Ҳаётга бўлган қизиқиш ижобий хислатлар, табиатни асраб-авайлаш, ҳар бир нарсага муҳим эканлиги назари билан қараш ўқувчиларда экологик таълим-тарбия натижаси сифатида намоён бўлади. Жумладан, дарс жараёнида ўқувчиларнинг экологияга оид тушунчаларини шакллантиришда турли халқ оғзаки ижод намуналари, шеърлар, қўшиқлардан ҳам мунтазам фойдаланилса самарали бўлади.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Абиркулов Х.И. ва бошқалар. Ижтимоий экология. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2004. -112 б.
2. Банников А.Г.,Вакулин А.А., Рустамов А.К. Основы экологии и охрана окружающей среды: - М.: Колос, 1999. -304 с.
3. Бекназов Р.У.,Новиков Ю.В. Охрана природы: Учебное пособие. - Ташкент: Уқитувчи, 1995. -583 с.
4. Зверев И.Д.Захлебний А.К. Охрана природы в школьном курсе биологии. Пособие для учителя. -М., 1987. -130 с.
5. Захлебний А.Н.Школа и проблема охраны природы. - М.: Педагогика, 1981. -184 с.
6. Narbutaev H.B. Improving the knowledge of ecological content in pupils in interdiscipline for teaching biology. International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECS) DOI:10.9756/INTJECSE/V14I7.110 ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 07 2022.
7. Норбутаев Х.Б. (2018). Развитие экологического мышления у школьников при изучение учебных материалов по биологии развитие экологической мысли учащихся по обучению биологии. Журнал выпускается ежемесячно, публикует статьи по гуманитарным наукам. Подробнее на , 16.
8. Раченко И.П.Интегрированная педагогика. Част 1. Пятигорск: Изд. Пятигорского государственного лингвистического университета, 1997- С.212.



9. Eshboeva S.K. The current state of improving the creative approach in the formation of ecological concepts in primary class students. International bulletin of engineering and technology. -UIF = 8.1 | SJIF = 5.71, 2022. -P. 21-28.
10. Eshboeva S.K. Use of people's oral creativity in the formation of ecological concepts of primary school students on a creative basis. //Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences VOLUME 1 | ISSUE 10 ISSN 2181-1784 Scientific Journal Impact Factor SJIF 2021: 5.423 November 2021 ilmiy jurnal 10-son [www.oriens.uz](http://www.oriens.uz) Doi 10.24412/2181-1784-2021-10 763-769-page Эшбоева, С. (2022, October). БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИЯГА ОИД ТУШУНЧАЛАРИНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. In E Conference Zone (pp. 124-130).
11. Eshboeva, S. (2022). DIDACTIC POSSIBILITIES OF CREATIVE APPROACH IN FORMING ECOLOGICAL CONCEPTS IN PRIMARY CLASS STUDENTS. Conferencea, 200-205.
12. Eshboeva, S. (2022). CREATIVE APPROACH TO FORMING ECOLOGICAL CONCEPTS IN PRIMARY CLASS STUDENTS.
13. Эшбоева С.К. Влияние индивидуальных особенностей на развитие и воспитание школьников. Научный журнал "Гуманитарный трактат" [www.gumtraktat.ru](http://www.gumtraktat.ru) 02 июля 2018 г. Выпуск №29 Кемерово ББК Ч 214(2Рос-4Ке)73я431 ISSN 2500-1159 УДК 378.001 [www.idpluton.02.07.2018](http://www.idpluton.02.07.2018) г. УДК 37.013. 53-56 ст.
14. Хуррамов, Р. (2022). БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ЭВРИСТИК ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ. Conferencea, 80-84.
15. Sayfiddinovich, R. K. (2022). THE IMPORTANCE OF USING ETHNOPEDEAGOGY IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS. TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIIY JURNALI, 2(4), 92-97.
16. Khurramov, R. (2022). Developing creative thinking skills of students through integration-based primary classes.
17. Khurramov, R. (2022). EDUCATIONAL TASKS IN THE PRIMARY CLASS ARE A TOOL FOR DEVELOPING STUDENTS'HEURISTIC SKILLS. World Bulletin of Social Sciences, 13, 22-25.
18. Хуррамов, Р. (2022, August). ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЭВРИСТИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ. In E Conference Zone (pp. 138-142).